

## **ХУСАЙН ВОИЗ КОШИФИЙ ҚАРАШЛАРИДА ИЖТИМОИЙ МУНОСАБАТЛАРНИНГ ИФОДАЛАНИШИ**

*Ашурова Марҳабо Сайфуллоевна*

*Бухоро Давлат Университети Мустақил изланувчиси*

**Аннотация:** Кошифий жамият ҳақида фикр билдириб, “одамлар ўз табиатига мувофиқ шахрийлигини, яъни улар бир-бирлари билан топишиб, бир шаҳар ёки бир маконда йиғилиб ўтирмасларидан бошқа илож йўқлигини” тушунтириб ўтади. Чунки улар ижтимоий эҳтиёжларини қондириш учун ҳам биргаликда яшашга мажбур бўлишади. У ижтимоий ҳодисалар ва жараёнларни ўрганишда тарихийлик тамойилига асосланади.

**Калит сўзлар:** фазилат, ҳулқ, таълим, илм, адолат, сиёсат, ижтимоий муносабатлар.

**Аннотация:** Комментируя общество, Кошифи поясняет, что «люди городские по своей природе, то есть у них нет другого выбора, кроме как встречаться друг с другом и собираться в одном городе или одном месте». Потому что они вынуждены жить вместе, чтобы удовлетворить свои социальные потребности. В ее основе лежит принцип историчности в изучении социальных событий и процессов.

**Ключевые слова:** добродетель, поведение, воспитание, наука, справедливость, политика, общественные отношения.

**Abstract:** Commenting on society, Koshifi explains that "people are urban according to their nature, that is, they have no choice but to meet each other and gather in one city or one place." Because they are forced to live together to meet their social needs. It is based on the principle of historicity in the study of social events and processes.

**Key words:** virtue, behavior, education, science, justice, politics, social relations.

Жамият кишилар ҳаётӣй фаолиятининг тарихий ривожланиш шакли бўлиб, ўз тузилиши жиҳатидан мураккаб тизимни ташкил этади. Бизнинг ҳозирда яшаб турган жамиятимизни ижтимоӣй тизимининг муайян конкрет шакли сифатида, унинг функционал ва ривожланиш қонуниятини, ҳар бир тузилмаларининг ўзига хос томонларини, ўзаро муносабатларини илмий жиҳатидан ўрганиб, тўғри бошқариш муҳим ааҳамиятга эгадир.

Шу билан бирга, жамият айрим кишиларнинг бирлигига эмас, балки ижтимоӣй муносабатлар мажмуаси ҳамдир. Жамоатчилик муносабатлари (ижтимоӣй муносабатлар) деганда, - бу одамларнинг мавқеи ва жамиятда бажарадиган функциялари билан боғлиқ бўлган ижтимоӣй ўзаро таъсирда юзага келадиган турли хил ижтимоӣй муносабатлар<sup>1</sup>дир. Жамоатчилик билан алоқалар (праксеологияда ўрганилади) жамият субъектлари ўртасида объектив равишда юзага келадиган, ўзаро боғлиқлик сифатида намоён бўладиган турли хил алоқалар<sup>2</sup>дир. Ижтимоӣй муносабатларни янада кенгроқ ёритадиган бўлсак - бу шахслар, уларнинг гуруҳлари, ташкилотлари ва жамоалари ўртасида, шунингдек, уларнинг иқтисодий, сиёсий, маданий ва бошқалар фаолияти давомида, ижтимоӣй мавқеини ва ижтимоӣй мақомларини амалга ошириш жараёнида юзага келадиган турли хил барқарор ўзаро боғлиқликлар тизими, роллар<sup>3</sup>дир.

Энди ижтимоӣй муносабатларни қўйидагича таснифлаб чиқамиз:

- 1) шахсларнинг мулкӣй объектлар учун ўзаро кураши;
- 2) умумий ҳудуддаги биргаликдаги ҳаётӣй фаолияти;

---

<sup>1</sup> <https://ru.wikipedia.org/wiki>.

<sup>2</sup> *Егоров Е.Д.* Праксеология: Основы теории. Часть 2. Субъекты отношений. — Москва: Юстицинформ, 2020. — 238 с. с. — ISBN [ISBN 978-5-7205-1625-3](https://www.isbn-international.org/product/978-5-7205-1625-3).

<sup>3</sup> <https://ru.wikipedia.org/wiki>

3) жамият таъсири остида ривожланадиган одатлар, урф-одатлар ва конунлар билан меъёрий тартибга солинадиган индивидуал (субект-субект ва субект-объект) муносабатлари мажмуи;

д) умумий ижтимоий маҳсулотни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилишда ижтимоий меҳнат тақсимоли шартлари бўйича бир-бири билан ҳамкорлик қилиш<sup>4</sup> тушинилади.

Фалсафий нуқтаи назардан эса, жамият кишиларнинг тарихан қарор топган биргаликдаги фаолиятлари йиғиндиси, борлиқнинг табиатдан ажралиб чиққан, моҳиятан ва мазмунан ниҳоятда мураккаб қисми, деб қаралади. Бунда жамият ҳаёти барча томонларининг қарор топиши, мавжуд бўлиши ва ривожланиши кишиларнинг табиати ва улар орасида мавжуд бўладиган муносабатлар билан тақозоланганки, натижада, ижтимоий ҳаёт моҳиятини ва унинг асосий алоқаларини кишиларнинг амалий фаолияти таҳлили орқали билиш мумкин бўлади. Шундай экан ижтимоий муносабатлар кишилар фаоллиги асосида юзага келади, ва бу борада Хусайн Воиз Кошифийнинг “Ахлоқи Муҳсиний” рисоласида 40 та хислатлар келтирилган. Булар подшоҳ ва Ҳақ учун рия қилиниши зарур бўлган хислатлар, айримлари подшоҳ ва халқ орасида бўладиган сифатлардир. Бу 40 та сифат рисолаининг 40 та бобида, муншийлар такаллуфидан холи тарзда баён этилган. Ҳар бобда яхши одамлар хулқи ҳақида ўз вақтида эшитилган ва ёзиб олинган ривоят ва шунга муносиб ҳикоятлар келтирилган.

Кошифий жамият ҳақида фикр билдириб, “одамлар ўз табиатига мувофиқ шахрийлигини, яъни улар бир-бирлари билан топишиб, бир шаҳар ёки бир маконда йиғилиб ўтирмасларидан бошқа илож йўқлигини” тушунтириб ўтади. Чунки улар ижтимоий эҳтиёжларини қондириш учун ҳам биргаликда яшашга мажбур бўлишади. У ижтимоий ҳодисалар ва жараёнларни ўрганишда тарихийлик тамойилига асосланади. Чунки ҳар

---

<sup>4</sup> Бобров В. В., Черненко А. К. Правовая технология. — Новосибирск: Изд-во СО РАН, 2014. — с. 157.  
[www.pedaqqlar.uz](http://www.pedaqqlar.uz)

кандай ижтимоий ҳодиса тасодифий бўлмай балки, узоқ вақт давомида яхлит бир шаклда мавжуд бўлади. Шу мураккаб алоқаларни тартибга соладиган макон давлат ва уни бошқарувчи куч сиёсатдир.

Бу борада Кошифий “сиёсат” сўзининг асл маъносига тўхталиб, у кишини ғамга солишдир, истилоҳий маъноси эса мамлакатни қўлга тутиш ва ҳар кимни ўзига муносиб ўринга қўйишдир, деб айтади. Кошифий сиёсатни икки хил: бири ўз нафсига нисбатан сиёсат қилиш, иккинчиси, ўзга кишига сиёсат қилиш деб айтади. Ўз нафсига нисбатан бўлган сиёсат шуки, ёмон сифатларни ўзидан йўқотиш ва яхши хулқларни эгаллашдир. Бошқага нисбатан сиёсат эса яна иккига бўлинади. Биринчиси, ўз аёнлари ва яқинлари сиёсати ва уларни тартибга солиш. Иккинчиси, умумхалқ сиёсати. Бунинг биринчиси, мулозим ва хизматкорлар тарбияси, иккинчи қисми шундайки, подшоҳ мамлакатадаги бадфеъл ёмон одамларни ҳамиша қўрқувда тутиши, яхшиларни эса доимо умидли ҳолда тарбиялаши керак, дейди.

Бузрукмеҳрдан: “Қайси подшоҳ улуғроқдир?”- деб, сўрадилар. Айтди: “Беғуноҳ одамларни омонда сақлайдиган ва гуноҳкорларни қўрқувда тутадиган, барқ урувчи тиғининг ҳандаси ситамкорлар йиғисига ёндош бўлган ва файз етказувчи лутфининг насими камбағалларга ином ёмғири билан ҳамнафас бўлган подшоҳ улуғдир”, дейди.

Ҳақимларнинг айтишларича, ҳар икки оламнинг мадори сиёсатдир, уни оламнинг созу носозлиги асосига номзод қилганлар. Агар забт этиш ва сиёсат қилиш бўлмаса. Барча ишлар издан чиқади, агар адаб бериш ва жазолаш расми йўқ бўлса муҳим ишлар вайронликка юз қўяди. Кошифий сиёсат борасидаги фикрини қўйидани қитъа билан давом эттиради.

Мамлакат тобқай сиёсатдин низом,

Гар сиёсат бўлмаса етгай халал.

Топмағай олам иши асло тузут,

Бесиёсат ҳеч вақту ҳеч маҳал.

Биринчи жумланинг маъноси мулк адолатсиз барқарор бўлмайди, иккинчиси эса, адолат сиёсатсиз бўлмайди. Бунда мамлакат сиёсати доимо қатъий низом асосида бошқарилади ва у бўлмаса давлат парокандаликка юз тутади, дейди. Чунки, мулку миллат зийнати ва дину давлат қуввати бу сиёсатдир. Кошифий асарида давлатни дарахтга, сиёсатни эса сув кабидир, деб тушинтиради.

Не хушдур шоҳким, қилса тааммул,

Сиёсатни китоби ичра ҳар дам.

Ки тутқай тиғ боғи салтанати,

Сиёсат суви бирла сабзу хуррам.

Ушбу қитъада Кошифий подшоҳлар салтанат ниҳолининг илдизи сиёсат суви билан суғоришлари керак, шунда тинчлик ва омонлик меваси ҳосил беради, деб айтади.

Кошифий кишилар аввало жамият, ижтимоий тизимлар, унинг тузилиши, бу тизимлар ўртасидаги алоқадорлик, уларнинг ўзига хослиги ва умумий томонлари, ижтимоий ва сиёсий ташкилотларнинг ривожланиш қонуниятларининг асосида албатта ахлоқ, ижтимоий хулқ ётади деб, айтади. Одамларнинг қай бирларида чиройли хулқ ва ёқимли хислатлар намоён бўлса, шу кишилар зебо кўринадилар, деб тушинтиради.

Сиёсий тизим жамиятни бошқариш билан боғлиқ бўлган тизим ҳисобланади. Бу тизим таркибига барча сиёсий ташкилотлар: давлат, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари ва улар билан боғлиқ бўлган сиёсий муносабатлар киради. Ҳар қандай давлатдаги ғоявий муносабатлар ҳам ижтимоий тизим сифатида маънавий ҳаёт қирраларини ўз ичига олади. Унинг таркибига маънавий муносабатлар ва улар билан боғлиқ бўлган мафкура, кадриятлар ҳам киради.

Ҳар қандай тизимнинг мавжудлиги бу улар таркибий қисмларининг яхлитлиги ва ўзаро алоқадорлигидадир. Жамият унинг тизимлари ўзига хос

таркибий тузилишга эга бўлиб, уларнинг асосий компоненти инсон ҳисобланади. Инсонлар ва уларнинг фаолияти ижтимоий тизимнинг таркибий қисми бўлиб, у маълум муҳитда юз беради. Натижада маълум бир тизим шаклланиб, шу жараёнда унинг барча ўзига хос хусусиятлари намоён бўлади. Жамияда инсонлар турли ижтимоий вазифаларни бажарар экан, шунингдек, шу жамият қабул қилган меъёрлар, қадриятларга ҳам амал қилади.

Кошифий айтишича, ҳамма халойиқ ақлга муҳтождир ва ақлни тажрибага эҳтиёжи бордир. Чунки тажриба ақлнинг ойнасидирки, унда иш яхшилиги суратини мушоҳада қилади. Умуман яхши инсонлар суҳбатига қизиқиш керак ва ёмон кишилар билан муносабатдан бўлишдан парҳез қилиш ҳам лозим, чунки ҳар бир тоифа суҳбати одамга ўз таъсирини ўтказди. Яхшилар билан ҳамсуҳбат бўлиш давлат ва саодат натижасини беради ва ёмонлар билан бирга ўтириш хорлик ва пушаймонлик ҳосилини кўрсатади. Ёмон кишилар икки гуруҳдир, бирини даф қилиш шарт, яъни уларни вилоятдан йўқ қилиш керак ва яна бирини ман қилиш лозим. Яъни улар билан суҳбатлашишни таъқиқлаш керак.

#### **Адабиётлар:**

1. Абу Ҳомид Ғаззолий. Риёзатун нафс (Нафс тарбияси). Тошкент. Мовороуннаҳр.2006.-186
2. Имом Аҳмад ибн Қудума Макдисий. Минҳожулқосидийн (саодат изловчиларга қўлланма). Тошкент: Тошкент ислом университети нашриёт-мантбаа бирлашмаси. 2009.- 175 б.
3. Абу Ҳомид Ғаззолий. Риёзатун нафс (Нафс тарбияси). Тошкент.Мовороуннаҳр. 2006.-556
4. Маҳмуд Асъад Жўшон. Тасаввуф ва гўзаллик. Тошкент: Адолат. 2004- 155
5. Ҳусайн Воиз Кошифий. Ахлоқи Муҳсиний. Футувватномаи Султоний.Тошкент.: Ўзбекистон. 2019-2386
6. Sayfulloyevna, A. M. (2020). The manifestation of the “Law on the unity of contradictions and struggle”. *Academicia: An International Multidisciplinary Research Journal*, 10(11), 1625-1635.
7. Sayfulloevna, A. M. (2021, May). FUTUVVAT (CHIVALRY)-THE MAON FORM OF MORAL EDUCATION. In E-Conference Globe (pp. 162-167).

8. Sayfulloevna, A. M. (2021). Futuvvat (Chivalry)-The Basis of Moral Education. *Central asian journal of literature, philosophy and culture*, 2(4), 39-43.
9. Sayfulloevna, A. M. (2020). Reflection of the "law of unity and struggle of opposites" in the dialectic of Jalaliddin rumi. *International Journal of Psychosocial Rehabilitation*, 24(8), 1996-2005.
10. Sayfulloevna, A. M. (2021). Spiritual and moral education issues in the works of eastern thinkers.
11. Faizullaevich, Z. S., & Sayfullaeva, A. M. (2020). Features of material culture of Bukhara. *Test Engineering and Management*, 83(5-6), 2740-2745.
12. Jobir o'g'li, Y. M., & Roziyabonu, S. (2022). 1-SINF МАТЕМАТИКА DARSLARIDA GEOMETRIK MATERIALLARNI O'RGATISH. *THEORY AND ANALYTICAL ASPECTS OF RECENT RESEARCH*, 1(9), 132-137.
13. YARASHOV, M. (2023). The Place of Digital Technologies in the Education System. *ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz)*, 30(30).
14. YARASHOV, M. (2023). Methodology of Application of Digital Technologies in Primary Education. *ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz)*, 30(30).
15. YARASHOV, M. (2023). The Process of Creative Organization of Primary School Mathematics Education through Digital Technologies. *ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz)*, 30(30).
16. YARASHOV, M. (2022). Characteristics of International Integration of Sciences in Primary Schools. *ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz)*, 23(23).
17. Ибрагимова, М. Ф., Ҳамдамова, В. А., & Юсуфходжаева, Ф. М. (2020). ЁШЛАРНИ ИҚТИСОДИЙ ТАРБИЯЛАШДА ТЕЖАМКОРЛИКНИНГ ЎРНИ. *Интернаука*, (23-3), 61-62.